

Б.ГЕНЖЕМУРАТОВ ИЖОДИДА ЛИРИКАНИНГ КИЧИК ЖАНРЛАРИ

Кеңесова Айсулыў

Таянчсўзлар: иккилик шеърый шакли, жанр, бадий маҳорат, поэтик усул, дидактик мазмун.

Ключевые слова: двострочная форма стихов, жанр, художественный навык, поэтический стиль, дидактическое содержание.

Key words: dual poetic forms, genre, artistic mastery, poetic style, didactic content.

Адабиёт ўзида халқнинг бутун бошли тарихини бадий тарзда мужассамлантиради. Адабиётни ўрганиш орқали инсон ўз миллатининг тарихи, маданияти билан ҳам танишиб боради. Адабиёт ўзининг турли туман жанрлари билан, уларда турли ҳил сир-синаотларни намоён етиши билан бошқа илм соҳаларидан ажралиб туради. Шу ўринда лирик асарлар ва ундаги энг кичик жанрларнинг шоир Б.Генжемуратов ижодидаги кўринишини таҳлил қилиш жоиз.

Ҳамма замонларда халқнинг дилидаги фикрларни, қалбидаги шоирнинг хис-туйғуларини тараннум қилиш бадий адабиётнинг бош вазифаси бўлиб келгани айни ҳақиқатдир. Шубоис —«шеър эстетик ҳодиса сифатида шоирнинг дардини ифода қилади. Дард ифодасида эса илҳом, кайфият муҳимсаналади. Шунингдек, шоирнинг кайфияти гўзалликка муносабати, бемаъниликлардан нафрати, оламва одам, табиат ва жонзотлар дунёси тўғрисидаги қарашлари шеърларида рамзий тарзда акс этади».[2]

Ҳозирги кунда қорақалпоқ адабиётининг энг машҳур, ўз асарлари билан китоб ўқувчиларининг диққатини ўзига қарата олган шоир Б.Генжемуратовнинг ижодига юзланадиган бўлсак, унинг асарларида энг кичик лирик жанрлардан иккилик ва мусалласлар (арабчасўз, маъносиучлик, учлама)ни учратамиз. Мусаллас Ёвропа адабиётида “терсина” (ит. учлик), бугунги ўзбек поэзиясида “уччанок” деб ҳам юритилади. Ундапоэтик оламнинг образи тўлиқ ифодасини топа олади; бугунги “тезкор” замонда кишиларнинг мураккаб, зиддиятларга тўла, шиддаткор, бэтакроп рухий

дунёларини борлигича намоён етишга қодир кичик лирик жанрлардан биридир. Шунингдек, Б.Генжемуратов учликларида қофиялар йўқ. Масалан:

Бирелес... - көкелес, запыран далада,
Тўнгимэ мелектей булшаң қайтўсте,
ақыл-хуўшымызды айландырады.

Басына күнту ўғанерлеретикли,
Суўкешкен пайытлар, бүгин - ертеқдур.
Қумлар толтырады қылышымыз қынабын.

Шунингдек, кичик лирик жанрларнинг яна бир турииккиликлар ҳам шоир асарларида кенг қўлланилган. Иккилик қорақалпоқ адабиётида ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб пайдо бўлди.[4] Лекин, будегани авваллари бу каби шеърлар бўлмаган дегани емес, албатта. Лекин, алоҳида лириканинг жанри сифатида шу даврлардан бошлаб кўзга туша бошлади. Улар оз сўз билан катта мазмунни очиб беришда ўзига ҳос аҳамиятга ега. Бу каби кичик лирик жанрлардан фойдалана олишнинг ўзи ижодкорлар учун катта моҳирлик ва истэодни талаб қилади. Масалан,

“Қутағубилиг”тиң қэдирибилмей,
кесапатынагириптарболғанжуртым.

Атболғанга ўларды билмеген - бэтшағарлар!
Тулпарларғақамшысермеген – бэтшағарлар!

Қамқа тон, зершапан, шөгирмеменен
сўнгигенкимселердиТереңликжутады.

Юқорида келтирилган мисолларда иккиликларнинг ажойиб намуналарини шоир ижодида қўлланилиш хусусиятларини кўриб ўтдик. Унинг бу шеърларида фалсафий, дидактик мазмунанглатилган.

Яқунлаб айтганда, Б.Генжемуратов ижодиунинг лирик асарларида қўлланилган турли ҳил жанрларни ва унинг асарларида лирик қаҳрамонни



намоён етишда қўлланилган турли хусусиятларни тадқиқ қилиш ҳозирги адабий жараённинг долзарб муаммоларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобоев Т. Адабиётшуносликасослари. Тошкент, «Ўзбекистон», 2002.
2. Гайлиева О.
Мустақиллик давритуркий халқлар лирикасида шаклий изланишлар ва уларнинг типологияси. (Ўзбек, туркман, қорақалпоқ поэзияси мисолида) DSc. Дисс. автореф. 2019.
3. Оразымбетов Қ.
Ҳазирги дэўирдеги қарақалпоқ лирикасында кэркемликизлениўшилиқ. Нөкис «Билим», 1992.
4. Оразымбетов Қ. Ҳазирги дэўирдеги қарақалпоқ лирикасында кэркем формалардың эволюциясы ҳэм типологиясы. Нөкис, «Билим» 2004
5. Жэримбетов Қ. XIX эсир қарақалпоқ лирикасының жанрлық қэсийетлери ҳэм раўажланыў тэрийхы. Нөкис «Билим», 2004.

Research Science and
Innovation House

